



**Бажарилиши 2019-2021 йилларга мўлжалланган амалий илмий-техник лойиҳалар танловига таклиф этилган
долзарб тадқиқотлар мавзулари**

“Филология, психология ва педагогика фанлари” йўналиши бўйича:			
№	Илмий-техник лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳани йиллик молиялаштириш ҳажми*
1.	<p>Ўзбек фольклорининг веб сайти ва мультимедиа маҳсулотини яратиш</p> 	<p>Тадқиқот шакли: Ўзбек фольклорининг тарихи, тараққиёти, бугунги кундаги миллий маданиятимизда тутган ўрнини тарғиб этишга қаратилган илмий тўплам, веб-сайт ва ios, Android платформалари учун мобил илова яратиш.</p> <p>Илмий-тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ўзбек фольклори тарихи ва тараққиётини бугунги кун талаблари асосида тарғиб этишга қаратилган материалларни тадқиқ этиш ва улар асосида илмий нашрларни амалга ошириш; - ўзбек фольклорининг ўзига хос хусусиятларини илмий тадқиқот, аудио ва видео материаллари орқали намойиш этиш; - фольклорнинг энг ноёб дурдоналарини веб сайт орқали намойиш этиш ва мамлакатимиздаги ички, ташқи туризм ишларига кўмаклашиш; - мустақиллик даврида ижод қилган бахшилар, жировлар, оқинлар, фольклор ижрочилари фаолиятига доир нашрларни тайёрлаш ва уларни веб сайт, мултемедиа дастурлари орқали мунтазам намойиш қилиб бориш; - ўзбек фольклорини тарғиб қилишга қаратилган ios ва android платформалари учун илова дастурлари яратиш ва улар орқали миллий маданиятимизни кенг тарғиб этиш; <p>Олинган натижаларни синовдан ўтказиш ва жорий қилиш: Яратилган “Ўзбек фольклори” номли веб сайт ва мультимедиа маҳсулоти олий таълим муассасаларида ҳамда интернет тармоғи орқали кенг жамоатчиликка тақдим этилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси рўйхатидаги ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда мақолалар чоп этилади.</p>	450 млн. сўм
Жами йиллик:			450 млн. сўм

**Лойиҳанинг умумий қиймати 1350 млн. сўм ва бажариш муддати 2019-2021 йилларга режалантирилган.*

**Бажарилиши 2019-2020 йилларга мўлжалланган инновацион лойиҳалар танловига таклиф этилган
тадқиқот мавзуси**

“Филология, психология ва педагогика фанлари” йўналиши бўйича:			
№	Илмий-техник лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа:	Лойиҳани йиллик молиялаштириш ҳажми*
2.	<p>“Жисмоний тарбия ва спорт маркетинги” ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва электрон платформасини яратиш</p> 	<p>Тадқиқот шакли: “Жисмоний тарбия ва спорт маркетинги” ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва электрон платформасини яратиш.</p> <p>Илмий-тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ривожланишини баҳолаш услубиёти асосида унинг муаммоларини ва келажақдаги мақсадли стратегияларини аниқлаш; - жисмоний тарбия ва спорт соҳасига бўлган талабни аниқлаш услубиётини ишлаб чиқиш ва спортга бўлган талабни қондиришнинг иқтисодий андозасини яратиш; - жаҳон бозорида рақобатбардошликни таъминлаш учун жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича спорт маркетингининг мақсадли стратегик концепциясини ишлаб чиқиш; - профессионал спортнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва тегишли шарт-шароитлар яратишга қаратилган янги моделни шакллантириш; - Жисмоний тарбия ва спорт маркетинги ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва электрон платформасини яратиш. <p>Олинган натижаларни синовдан ўтказиш ва жорий қилиш:</p> <p>Жисмоний тарбия ва спорт маркетинги ўқув қўлланмаси ва унинг ва электрон платформаси спорт маркетинги ҳақидаги билимларни такомиллаштиришга ҳамда спортда маркетинг фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи спорт маркетингининг инновацион электрон платформаси олий таълим ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида таълим муассасаларининг ўқув жараёни учун тақдим этилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси рўйхатидаги ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда мақолалар чоп этилади.</p>	0,3 млрд. сўм
Жами йиллик:			0,3 млрд. сўм

**Лойиҳанинг умумий қиймати 0,6 млрд. сўм ва бажариш мuddати 2019-2020 йилларга режалантирилган.*